

Халқ депутатлари Шеробод тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси ўтказилди



Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар тавсия этиш масаласи кўриб чиқилди ҳамда тумандаги 67 та участка сайлов комиссиялари аъзолигига 870 нафар муносиб номзодлар тасдиқланди.

Сессия ишида 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси аъзоси Жабборова Феруза Ҳожимуродовна иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолигига тавсия етилган номзодларга сайлов жараёнини Сайлов кодексига талабларига мувофиқ ташкил этиш хусусида тушунтириш ва тавсиялар бериб ўтди.

Шу билан сессия ўз ишини якунлади.